Америкалик олим Колин Грей ўзининг «Қудратли давлатларнинг геосиёсати» номли машҳур асарида дунёнинг замонавий халқаро муносабатлар ҳолатига геосиёсий қарама-қаршилик нуқтаи назаридан ёндашади. У дунёда ҳукм сураётган стратегик ҳолатни давлатларнинг ўзаро манфаатларининг қарама-қаршилигида деб баҳолайди. Яъни «АҚШ бошчилигидаги денгиз давлатларининг иттифоқи» ва континентал давлатлар ўртасидаги дунё ҳукмронлиги учун кураш, деб таъкидлайди. АҚШ хавфсизлигини таъминлашдаги асосий йўналиш, унинг фикрича, дунёда ўз ҳарбий салоҳиятини ўстириш ва ядро урушига тайёргарлик кўришдан иборат[2].

Сиёсий реализм таълимоти халқаро муносабатларни алоҳида давлатларнинг мустақил сиёсатининг йиғиндиси деб қарайди. Бу сиёсатда ҳар бир давлат ўз миллий манфаатлари юзасидан сиёсат олиб бориши таъкидланади. Ўз навбатида улар томонидан жаҳон сиёсати - бу қудратли давлатлар орасидаги кучлар мувозанатининг тизими деб эътироф этилади. Сиёсий реалистлар халқаро муносабатларда миллий манфаатларнинг тўқнашуви муқаррар деган хулоса берадилар.

«Халқаро сиёсат, бошқалари сингари, - деб ёзади Ганс Моргентау, - бу ҳокимият учун кураш... Дунё халқлари ва давлат арбоблари охир-оқибат эркинлик, хавфсизлик, барқарорлик ёки шахсий сиёсий кучни излашлари мумкин. Улар ўзларининг мазкур мақсадларини – диний, фалсафий, иқтисодий ва ижтимоий идеаллар орқали белгилашлари ҳам мумкин. Бироқ, улар ҳар доим бу мақсадларга халқаро сиёсат методи (услуби) орқали эришишга уринадилар ва улар буни ҳокимиятни қўлга киритиш учун олиб борадилар»[3].

Бу фикрлар асосан Америка жамиятининг «сиёсий реализм» мактаби томонидан илгор сурилган. Сиёсий реализм мактабининг асосий манбаларини Макиавелли, Гоббс, Моргентау, Нибур ва бошқа олимларнинг асарлари ташкил этади. Бундай нуқтаи назардан фарқли ўлароқ, халқаро муносабатлар соҳасида «суверенитетлар плюрализми» ҳукм суради, шунинг учун бу ерда мажбурлаш ва зўрлаш монополияси мавжуд эмас ва халқаро муносабатларнинг ҳар бир иштирокчиси бошқа иштирокчиларнинг кутилмаган хатти-ҳаракатларини кўзда тутган ҳолда ҳаракат қилишлари лозим[4], дейилган қарашлар ҳам мавжуд.

Ўтган асрнинг 70-йилларида фаолият олиб борган бошқа кўпгина тадқиқотчилар ҳам шунга яқин фикрларни

[1] Шу ерда.

[2] *Gray C.* The Geopolitics of Super Power. Lexington. - The University of Kentucky Press. 1988.

[3] Қаранг: *Алексеева Т.А.* Контуры ненасильственного мира // Принципы ненасилия. - М. 1991. С.205-206.

[4] *Aron R.* Une Sociologie des relations internationales // Revue franзaise de sociologie. 1963. V. IV.

келтирадилар. Уларнинг қарашларига биноан, халқаро муносабатлар, умумий қадриятлар, умум томонидан эътироф этилган, юридик ва маънавий меъёрлар билан мустаҳкамланган ижтимоий қоидаларнинг, марказий ҳокимиятнинг йўқлиги, табиий жараёнлар ва субъектив омиллар ролининг катталиги, хавф элементлари ва кутилмаган хатти-ҳаракатларга нисбатан унинг иштирокчилари ўртасида консенсуснинг мавжуд эмаслиги билан характерланади.

Аммо Р.Ароннинг халқаро муносабатлар давлатлараро муносабатлардан ташкил топади, деган фикрига ҳамма ҳам қўшилмайди. Америка тадқиқотчиси Д.Капоразо фикрига кўра, ҳозирги вақтда халқаро муносабатларда ҳаракатланувчи шахслар давлатлар эмас, балки синфлар, ижтимоий-иқтисодий гуруҳлар ва сиёсий кучлардир[1]. 1970 йиллардаги илмий йўналишлардан бири бихевиористик мактабнинг намояндаси Д.Сингер халқаро муносабатларни тадқиқ қилишда, уларнинг халқаро майдондаги ўрнига нисбатан ўз устунлигини ўрнатишга уринмасдан, халқаро муносабатларга алоқаси бор жами иштирокчиларнинг, яъни индивиддан тортиб, то ижтимоий бирлашмаларнинг (хатти-ҳаракатларини) фаолиятини ўрганишни таклиф қилади[2].

Халқаро муносабатлар соҳаси бўйича мутахассис Дж. Розенау фикрича, жамиятда содир бўлган туб ўзгаришлар халқаро муносабатларда асосий трансформацияга олиб келди ва халқаро жамиятларнинг ўзаро тобелигининг асосий сабаби бўлди. Унда асосий намоянда давлат эмас, балки унинг минимал воситачилиги ёки умуман унинг хоҳишига қарши бир-бири билан ўзаро муносабатга киришадиган муайян шахслардир.

[1] *Caporaso J.* Dependence, Dependency and Power in the Global System: A Structural and Behavioral Analisis // International Organisation. 1979, №10.

[2] *Synger D.* Quantitative International Politics: Insights and Evidence. - N.Y., 1978.

1970-1980 йилларга тегишли юқорида келтирилган барча нуқтаи назарларда турли икки мезонни бирлаштиришга (иштирокчиларнинг ўзига хос жихатлари ва халқаро муносабатларнинг алоҳида табиати) ёки халқаро муносабатларни тадқиқ қилишда улардан бирига иккинчисига нисбатан кўпроқ эътибор берилган: ё иштирокчиларнинг ўзига хос хусусиятлари, ё бўлмаса халқаро муносабатларнинг табиати ўрганилган, холос. Демак, уларнинг ҳар бири ўзига хос хулосаларга олиб келиши мумкин, ва бу хулосаларнинг ҳар бири ўзининг устунликлари ва камчиликларига эга. Масалан, ёндашувлардан бирида халқаро муносабатлар давлатлараро муносабатлар йиғиндисидир, деган хулоса келиб чиқса, бошқасида эса халқаро муносабатлар нодавлат иштирокчиларнинг фаолияти деган хулосага келинади. Халқаро муносабатлар иштирокчиларининг сонини нодавлат ва хусусий субъектлар ҳисобига кенгайтиришга интилишда халқаро майдонда содир бўлаётган ўзгаришларда уларнинг ўрнини диққат билан таҳлил қилиш талаб қилинади.

Халқаро муносабатлар табиатини унинг социаллашувга интилишини ҳисобга олмай «табиий» деб тушуниш янгича жаҳон тартибини эътиборсиз қолдиради. Агар фақатгина социаллашув тенденциясидан келиб чиқилса ҳам нотўғри хулосага келиш мумкин; чунки унда бутун оламнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлигининг кучайиб бориши, халқаро интеграцион жараёнларда ва турли давлат ва халқларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлиги кучайган тақдирда ҳам халқаро муносабатлар бугунги кунга мос тушмайдиган қарашлар, рақобатчилик ва ҳатто зиддиятлар зўравонлик соҳаси бўлиб қолаётгани ҳисобга олинмайди. Эндиликда бу «соҳа» «инсониятнинг инсониятга қарши курашиши» эмас, аммо, ягона қонунлар асосида, мавжуд қадрият ва меъёрлари барча аъзоларга одилона тақсимланиб яшаётган бир

бутун уюшма ҳам эмас. Инсоният ўтиш ҳолатини бошдан кечирмоқда, яъни дунёвий уюшма яратишга интилиш кучаяётган бир даврда, бошқарув элементлари ҳамда «суверенитетлар плюрализми», шахсий манфаатлар асосидаги ўзаро ҳамкорликнинг кенгайиши ва зўравонлик воситаларининг ривожланиши гоҳо ўзаро тенглик, гоҳо яна зиддиятли аҳволда доимо бирга мавжуд эканлигини кўриб турибмиз.

1970-1980 йилларда бинобарин, халқаро муносабатлар уч мезон, - биринчидан, синфий, ҳукмронлик ва тобелик муносабатлари, иккинчидан, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ва, учинчидан, ўтиш муносабатлари асосида ёритилган[1]. Шунга кўра, биринчисига феодал ва капиталистик турлар муносабатлари, иккинчисига - социалистик давлатлараро муносабатлар, учинчисига - мустамлака қарамлигидан озод бўлиб ривожланаётган давлатлар ўртасидаги муносабатлар киритилган.

2-босқич. XX асрнинг 90-йилларидан то бугунги кунга қадар бўлган давр. Маълумки, халқаро муносабатлар назарияси замонавий сиёсатшунослик фанининг бир қисми сифатида икки қутбли дунё шароитида шаклланди ва ривожлана борди. Бу ҳолат эса бевосита халқаро-сиёсий тадқиқотларнинг концептуал ёндашувларига ўз таъсирини ўтказганлиги табиийдир. Юқоридаги далиллардан кўриниб турибдики, биринчи босқичда шаклланган барча қарашлар ва фикрларда халқаро муносабатлар назариясига дунёдаги ўзаро қарама-қаршилик нуқтаи назаридан ёндашилиб, халқаро муносабатлар тизимининг истиқболлари ҳам шу асосда шаклланади, деган башоратлар келтирилган.

Аммо, 1990 йиллар бошларида Шарқий Европа ва собиқ Иттифоқ ҳудудидаги халқаро-сиёсий реал ўзгаришлар дунё социалистик тизимининг йўқ бўлишига олиб келди. Бу ўзгариш кўпчилик соҳа мутахассислари учун кутилмаган воқеа бўлди, бир дақиқанинг ичида кўплаб абадий ҳисобланган назарий концепциялар пучга чиқди. Кўплаб мутахассислар халқаро муносабатларни таснифлашда синфий мезонлардан бутунлай воз кечишга ҳамда «умумбашарият»га ўтишга мажбур бўлдилар. Бунинг натижасида кўплаб илмий адабиётларда халқаро муносабатларни 2 турга ажратишга уринишлар бўлди:

1) кучлар мувозанатига асосланган халқаро муносабатлар;

2) манфаатлар мувозанатига асосланган халқаро муносабатлар.

Бугунги замонавий халқаро муносабатларнинг сиёсий қиёфаси шу даражада тез суръат билан ўзгариб бормоқдаки, илм аҳли кўп ҳолларда бу ҳодисаларга холисона муносабат билдиришда ортда қолмоқда. Натижада, мутахассислар икки тоифага ажралмоқдалар. Биринчи тоифадаги мутахассислар бу, – хулоса ва тезислари оқланмаган ҳолда, ўз тадқиқотларида иккиланаётган олимлардан иборат. Иккинчи тоифа, бу – замонавий дунё воқелигини таҳлил этиш ҳамда ўзгаришларнинг келажак динамикаси борасида ўз башоратларини асослашга интилаётган олимлардан ташкил топган.

"Совуқ уруш"нинг тугатилиши ва ундан кейинги воқеаларни, замонавий халқаро муносабатлар тизими ва ундаги ўзгаришларни назарий жиҳатдан асослашга бўлган биринчи ҳаракат америка олими Фрэнсис Фукуяма томонидан олиб борилди. У ўзининг "Тарихнинг якуни" номли асарида узоқ йиллар давомида, икки ғоявий тузум, – демократия ва коммунизм, – асосида мавжуд муаммоларни тўлиқ бартараф этиш даври келди, деган тезисни илгари суради. Муаллифнинг фикрича, халқаро муносабатлар тизимида "тарихнинг якуни", яъни низо ва конфликтлар даври тугади ва дунё хавфсиз ҳолатга кирди, деган хулосага келинади. Аммо, Ф.Фукуяманинг бу тезиси кўплаб мутахассислар ва олимлар томонидан танқид остига олинди. Дарҳақиқат, "совуқ уруш" тугатилиши билан учинчи жаҳон урушининг олди олинди. Лекин бугун халқаро муносабатлар тизимида ноанъанавий таҳдидлар вужудга келмоқда ва уларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кўриниб турибдики, халқаро муносабатлар тизими ҳам даврий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Ва бу ҳолатга олимлар томонидан турли хил фикрлар билдирилмоқда. Шу аснода халқаро муносабатлар борасидаги назарий тортишувлар ва баҳслар кучайиб бормоқда. Улар, асосан, юқоридаги икки масала юзасидан актуаллашиб бормоқда. Масалан: 1993 йили АҚШнинг "Форин афферс"[1] номли ташқи сиёсий журналида таниқли замонавий сиёсатшунос Самюэл Хартингтоннинг "Цивилизациялар тўқнашуви" номли мақоласининг босиб чиқарилиши бутун дунё олимларининг тортишувларига сабаб бўлди. У ўзининг концепциясида жаҳон сиёсати динамикасини халқаро муносабатлар тарихининг барча босқичларида содир бўлган турли хилдаги низолар белгилаб беради, деган хулосага келади ва халқаро муносабатлар назариясига унинг иштирокчилари ва субъектлари ўртасидаги турли соҳалардаги низолар ва қарама-қаршиликлар асосида ёндашишни таклиф этади. Яъни бу низолар илк босқичда монархлар ўртасида, сўнгра эса Буюк француз революцияси даврида миллатлар ва давлатлар ўртасида, 1917 йилдаги рус революциясининг ғалабаси билан ғоявий ва сиёсий-ижтимоий тамойиллар асосида олиб борилди дейди у. С.Хартингтоннинг фикрича, мазкур низоларнинг барча турлари ғарб цивилизацияси ичида содир этилди. «Совуқ уруш»нинг тугатилиши билан халқаро муносабатларда ғарб томонидан олиб борилаётган халқаро сиёсат ниҳоясига етди. Энди марказий майдонга Ғарб ва ғарбга тегишли бўлмаган цивилизациялар ўртасидаги ўзаро алоқалар чиқмоқда» деб таъкидлайди у.[2] Бу билан С.Хартингтон замонавий халқаро муносабатлар тизимининг мазмун ва моҳиятини дунёдаги мавжуд цивилизацияларнинг ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишни таклиф этади.

Кўриниб турибдики, вақт ўтиши билан халқаро майдонда давлатлар алоқаларидаги кескин ўзгаришлар натижасида халқаро муносабатларнинг моҳияти, тушунчаси ва унинг аҳамияти ўзгариб бормоқда. Агарда ўтган асрда халқаро муносабатлар давлатларнинг дунё ҳукмронлиги борасидаги алоқаларининг йиғиндиси сифатида эътироф этилган бўлса, бугунги кунга келиб, замонавий халқаро муносабатлар - давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик муносабатларининг йиғиндисига айланиб бормоқда. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, замонавий халқаро муносабатлар тизимининг ўзига хослиги ҳам хавфсизлик, барқарорлик ва тинчликка таҳдид солаётган омилларни биргаликда ва ҳамкорликда ҳал қилишда намоён бўлмоқда. Зеро, биз яшаётган дунё бўлинмас, ягона бир тизимни ташкил этади. Давлатлар эса, янги шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда, прогрессив тараққиётда миллий манфаатларни ўз ички эҳтиёжларидан ҳамда миллий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги кучайиб бораётган даврда дунё ҳамжамиятининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгилашлари зарур бўлади.

[1] Социализм и международное отношения. – М., 1975. С. 16

[1] *Hurtington S.P.* The Clash of Civilizations? // Foreign Affairs. May-June. 1993.

[2] *Хартингтон С.* Столкновение цивилизаций? // Полис. 1994. №1. С.34.

П.Маккамбаев,
кандидат юридических наук, докторант Ассоциации юристов-международников Узбекистана

ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ГРАНИЦЫ: ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

Глобализация становится доминантным процессом нашего времени. Ее расширение и углубление так же неизбежны, как и само развитие общества; это неизбежный спутник и одновременно соавтор прогресса, фактор, ускоряющий научно-технический прогресс. Глобализация влияет на политику, экономику, право и духовную жизнь.

Существенные изменения глобализация вносит и в вопросы государственных границ. Пока эти вопросы изучены весьма и весьма слабо, ибо глобализация как общественное явление начала разворачиваться фактически со второй половины прошлого столетия и ее теоретическое осмысление требует времени. История не знала подобных бурных и всеобъемлющих процессов, и поэтому их охват и изучение явно отстают от требований общественных наук. Применительно же к региону Центральной Азии рассмотрение данной проблемы еще более усугубляется в связи с принципиальными социально-политическими изменениями в этом регионе вследствие распада СССР и возникновения пяти новых независимых государств – Казахстана, Кыргызстана, Таджикистана, Туркменистана и Узбекистана.

Современное положение дел в сфере урегулирования пограничных вопросов между государствами Центральной Азии является, на наш взгляд, следствием противоречивости процессов глобализации. Так, после обретения независимости суверенные государства региона в заключенных двусторонних договорах о дружбе, сотрудничестве и взаимной помощи закрепили «нерушимость ныне существующих границ» и стали придерживаться «режима прозрачности границ». Однако во второй половине 90-х годов в результате обострения обстановки в Афганистане и Таджикистане, разрушения экономических связей и отсутствия надежных перспектив создания эффективного регионального экономического союза была утрачена возможность закрепления административно-территориальных границ бывшего СССР в качестве исторически сложившихся государственных границ. Именно в этот период странами региона стали приниматься меры по оперативно-войсковой охране совместных границ, а по дипломатическим каналам был инициирован процесс их международно-правового оформления (делимитация и демаркация).

На сегодняшний день ни одно государство Центральноазиатского региона не имеет государственной границы, оформленной в соответствии с нормами международного права. Сложившаяся ситуация оказывает отрицательное влияние на установление цивилизованных режимов пересечения государственных границ региона и не создает благоприятных условий пограничным ведомствам и правоохранительным органам в налаживании эффективного сотрудничества по предотвращению угроз безопасности трансграничного характера.

Государственные границы, как и прежде, являются одним из важнейших политических институтов государств, подчиняющихся действию норм международного права и внутреннего законодательства. Без них не может строиться правовая, экономическая, социальная и политическая жизнь любого государства. Глобальные перемены в экономике, достижения научно-технического прогресса оказывают влияние на все границы. При этом степень влияния зависит от совокупности факторов, формирующих обстановку на межгосударственных границах и прилегающих к ним приграничных территориях. Поэтому влияние процессов глобализации на государственные границы происходит дифференцированно. Как следствие, отмечается существование двух тенденций противоположной направленности: одни государства устанавливают на совместных границах «режим прозрачности», другие же в интересах защиты национальных интересов вводят дополнительные режимные ограничения.

Так, в 1992 г. после подписания Маастрихтского соглашения страны Европейского Союза приступили к созданию единого социального пространства путем переноса режимных функций границ на «внешние границы» государств-участников Союза, а за «внутренними» были оставлены функции административно-территориального деления. В это же время на постсоветском пространстве стали происходить обратные процессы перехода от единого союзного государства к образованию новых суверенных государств с установлением соответствующих режимов (паспортный, таможенный, ветеринарный и т.д.) на межгосударственных границах. Приведенные примеры еще раз подтверждают противоречивость глобализации, когда в мировом развитии одновременно происходят исторически обусловленные процессы интеграции и фрагментации государств.

Несмотря на то, что в мире, в том числе и на постсоветском пространстве, образовано и существует большое количество межгосударственных интеграционных союзов и сообществ, предполагающих функционирование на их территориях единого экономического пространства, многие из них вследствие ряда причин имеют скорее формальный, нежели реальный характер. В этой связи представляется важной точка зрения М.Андерсона, что оценка степени реальной интеграции государств должна осуществляться посредством исследования изменений, происходящих с внутренними и внешними межгосударственными границами стран, входящих в интеграционную организацию. Данная точка зрения подтверждает важность роли государственных границ и их режимов как индикаторов сотрудничества с сопредельными странами.

Таким образом, воздействие глобальных процессов на государственные границы изменяет привычные взгляды и обусловливает проблему поиска новых научных подходов в исследовании теории границ. В эпоху биполярного мира в советской науке, как и в западноевропейской, преобладал линейный метод исследования государственных границ. Основным постулатом являлось то, что государственные границы – это линии, проведенные на местности, разделяющие территории сопредельных стран, в пределах которых государства устанавливают свой суверенитет. С учетом существовавшего политического противоборства вне-

шние границы систем (блоков) трактовались как рубежи, где происходит противостояние капиталистической и социалистической идеологий, а внутренние границы государств, входивших в одну систему, – границами дружбы и сотрудничества.

Исследователь В.А.Колосов в этой связи справедливо отмечает: «Известные в лимологии (наука о границах) подходы фактически объясняли феномен государственных границ политическими факторами, трактуя их как зеркало военной, экономической и иной мощи соседних государств. При этом сами эти государства рассматривались как неизменные данности, как «естественные» режимы, составляющие целостный организм. Сущность и политика государств, равно как и иерархические отношения между ними на глобальном и макрорегиональном уровнях, почти совершенно не принимались во внимание. Практически никогда государственные и внутренние политические и административные границы, а также культурные рубежи не рассматривались как единая система, что соответствовало жесткому разделению исследований по внешней и внутренней политике».

Изложенное позволяет сделать вывод о том, что основным методом в исследовании роли государственных границ в глобализирующемся мире должен являться системный метод с использованием новых научных подходов, выработанных в области современного международного и государственного права, международных отношений, политологии, экономических теорий, социологии, этнологии, культурологии и других наук.

Проводимые исследования в области теории границ позволили ученым сформулировать две очень важные предпосылки. Первая состоит в том, что государственные границы в глобализирующемся мире нельзя изучать только на уровне отдельно взятой страны. Значение границ для страны, характер их функций, место во всей системе мировых границ могут быть уяснены только при анализе на нескольких пространственных уровнях – от глобального (или макрорегионального) до локального. В результате процессов глобализации границы стали более проницаемыми для многих видов потоков (информация, капиталы и т.д.), что, в свою очередь, привело к изменению их функций и расширению приграничного пространства (например, появление свободных экономических зон, зон приграничной торговли и т.д.).

Вторая предпосылка заключается в том, что границы невозможно изучать в отрыве от проблемы идентичности, которая имеет состязательный и множественный характер и выстраивается в итоге диалога и властных отношений между социальными группами, социальной группой и государством, между государствами. В процессе национального и государственного строительства и в результате национальных противоречий и конфликтов очень часто формируются новые границы, новые приграничные зоны и новые отношения между соседями. Следовательно, исходным пунктом исследований современных границ должно быть изучение возникновения и эволюции территориальных идентичностей.

Между указанными формами идентичности существует прямая и обратная связь. Так, культурные границы (де-факто) под воздействием соответствующих факторов преобразуются в государственные границы (де-юре). Ранее существовавшие государственные границы (де-юре) не исчезают совсем, они становятся административными или культурными рубежами, так или иначе влияющими на жизнь общества, и наоборот. В свою очередь, новые государственные границы под воздействием единого правового, экономического и информационного пространства быстро трансформируются в культурные. Например, страны Европейского Союза благодаря причастности к единой европейской культуре и имевшимся у них другим предпосылкам пришли к заключению Маастрихтского соглашения о создании общего социального пространства. Это привело к образованию новых внешних границ Союза, а ранее существовавшие (внутренние) границы стали административными и культурными границами союзных государств.

Какое влияние оказывают глобальные процессы на функции, выполняемые государственными границами? Какие функции характерны для границ государств Центральной Азии?

Во-первых, в постбиполярном мире под воздействием глобализации происходит параллельное развитие двух процессов. С одной стороны, существующие границы воздействуют на эволюцию идентичности в фрагментирующихся или интегрирующихся государствах, с другой – идентичность влияет на функции границ и деятельность в приграничных районах. Так, после обретения независимости в странах Центральноазиатского региона, в пределах занимаемого ими территориального пространства, ограниченного административно-территориальными границами бывшего СССР, начались бурные процессы осознания собственной идентичности. Данные процессы способствовали конституционному и законодательному закреплению указанных административно-территориальных границ в качестве государственных. Одновременно, исходя из имеющихся национальных интересов, государства Центральной Азии стали определять дифференцированную пограничную политику в отношении сопредельных стран и устанавливать правовые режимы на совместных границах.

Во-вторых, государственные границы, исходя из своей политической роли, выполняют внутренние и внешние функции. Внутренние функции границ заключаются в обеспечении суверенитета и территориальной целостности государства, а также социальной и этнокультурной интеграции его населения. Внешние функции государственных границ предполагают создание в пределах установленных международно-правовых режимов условий для эффективного сотрудничества с сопредельными странами.

В-третьих, характер функций, выполняемых государственными границами, зависит от конкретных исторических условий, в которых происходит развитие государства и региона, где оно находится. Так, отсутствие четкого международно-правового регулирования режима межгосударственных границ стран Центральной Азии (а следовательно, и регламентации функций границ) является отражением реалий переходного периода. Проводимые государствами в условиях воздействия глобальных и региональных трансграничных процессов реформы ведут к установлению и расширению их трансграничных связей с сопредельными странами и государствами других регионов. Как негативное явление следует отметить тот факт, что развитие трансграничных связей способствует интернационализации вызовов и угроз безопасности, формированию на совместных границах криминальных структур (наркодельцов, контрабандистов, религиозных экстремистов и т.п.).

В-четвертых, современное положение в Центральноазиатском регионе свидетельствует о сохраняющейся тенденции преобладания процессов глобализации над регионализацией во взаимоотношениях между странами региона. В свою очередь, это предполагает использование государствами дифференцированного подхода к определению соотношения функций барьерности и контактности государственных границ с сопредельными странами.

В-пятых, анализ межгосударственных отношений стран Центральной Азии позволяет заключить, что в переходный период главным структурным звеном регионализации останутся двусторонние отношения. При этом государственные границы между странами региона будут выполнять функции по эффективному использованию складывающихся благоприятных условий двустороннего сотрудничества для своего экономического развития и предупреждению потенциальных угроз безопасности. В связи с этим отметим, например, встречу на высшем уровне в Бухаре в ноябре 2004 г. Президентов Узбекистана и Туркменистана, которые подписали Договор о дружбе, укреплении доверия и развитии сотрудничества, где подтвердили, что граница между Республикой Узбекистан и Туркменистаном является границей мира, дружбы, безопасности, стабильности и укрепления доверия между двумя государствами и народами. Политическое заявление подобного же содержания было сделано в апреле 2005 г. во время официального визита в Узбекистан Президента Казахстана Н.Назарбаева.

Таким образом, глобальные процессы мирового развития оказывают влияние на состояние безопасности на различных ее уровнях: глобальном, региональном и национальном. Это обуславливается взаимозависимостью и взаимосвязью процессов исторического развития человеческого общества, имеющих трансграничный характер. В свою очередь, указанные процессы воздействуют на функции, выполняемые государственными границами, и делают их, с одной стороны, более «прозрачными» для трансграничного сотрудничества, с другой – уязвимыми для вызовов и угроз безопасности. Продолжающиеся в Центральной Азии дипломатические процессы по международно-правовому оформлению государственных границ между странами региона являются важным этапом на пути создания надежной правовой базы для выработки механизма межгосударственных отношений в области развития регионального интеграционного сотрудничества и организации на совместных границах эффективного противодействия угрозам безопасности.

ЛИТЕРАТУРА

1. *Куклина И.Н.* Деформация глобальных структур безопасности и Россия// Мировая экономика и международные отношения, 1999, №11. С.36.
2. *Лукашук И.И.* Концепция права международной ответственности//Государство и право. 2003, №4. С.39.
3. *Кубаев О.А.* Международное сотрудничество Республики Узбекистан в обеспечении глобальной и региональной безопасности// Общественные науки в Узбекистане. 2002, №5. С.3.
4. *Кубышкин А.И.* Североамериканский опыт развития сотрудничества и укрепления безопасности на приграничных территориях//Безопасность и международное сотрудничество в поясе новых границ России. – М. – Волгоград: НОФМО, 2002. С.33-40.
5. *Андерсон М.* Границы Европейского Союза//Конференция «40 лет Римским договорам: Европейская интеграция и Россия»: Тез. докл. – http://www. edc. spb. ru/act...- 36k.
6. *Колосов В.А.* Фактор региональных трансграничных идентичностей//Безопасность и международное сотрудничество в поясе новых границ России. – М. – Волгоград: НОФМО, 2002. С.212.

А. Камильджанов,
Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти илмий изланувчиси

ЭРОН ЯДРОВИЙ ДАСТУРИ АТРОФИДАГИ МОЖАРОЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ХАЛҚАРО-СИЁСИЙ ЖИҲАТЛАРИ

XX аср ҳамма учун хавфсизлик таъминланмагунча ҳақиқий маънодаги тўлақонли хавфсизлик, кафолатланмаслигини, бу мақсадга тенглик, адолат, ўзаро дўстлик ва ишонч тамойилларига асосланган ҳамкорлик қилиш йўли билангина эришиш мумкинлигини кўрсатиб берди.

Маълумки, муайян вақт оралиғида миллий хавфсизликка раҳна солувчи таҳдидлар ўзгариб туради, яъни баъзи таҳдидлар йўқолиши ва, аксинча, уларнинг ўрнига бошқа янги таҳдид юзага келиши мумкин. Таҳдидларнинг мутлақо бартараф этилиши ҳамда миллий хавфсизликни тўлиқ ҳолда таъминлаш жуда мураккаб, таъбир жоиз бўлса, амалга ошириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, ҳар қандай минтақанинг ҳал қилинмаган ва газак олиб кетган муаммолари бутун дунёда занжирли реакцияни келтириб чиқариши мумкин. Вазиятнинг беқарорлашуви эса кундан-кунга аниқ-равшан бўлиб бораётган янги жуғрофий –сиёсий мувозанатни бузиш хавфини келтириб чиқаради[1]. Шу сабабли хавфсизлик ва барқарорлик йўлида пайдо бўлаётган хавф-хатарларнинг табиатини тўғри тушуниб етиш, уларнинг манбалари ва ўзаро алоқаларини вақтида аниқлаш лозим.

Таъкидлаш жоизки, айрим ҳолларда давлатларнинг ўз хавфсизликларини таъминлаш борасида олиб борадиган сиёсатлари «хавфсизлик дилеммаси»ни келтириб чиқаради[2]. Бир давлат ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўз қудратини, айниқса, ҳарбий қудратини оширишга интилса, иккинчи бир давлат (кўп ҳолларда қўшни давлатлар) бу хатти-ҳаракатларни кучлар мувозанатини бузишга йўналтирилган ҳаракатлар дея баҳолаб, биринчи давлатнинг ўз хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун амалга оширмоқчи бўлган саъй-ҳаракатлари самарадорлигини йўққа чиқариши ёки бўлмаса кучсизлантириши мумкин. Миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида бундай "хавфсизлик дилеммаси"нинг юзага келиши стратегик режалаштиришни ташкил этишда ҳамда мамлакат ташқи сиёсатининг устувор вазифаларини белгилашда тегишли талабларни назарда тутиш зарурлигини англатади.

Хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида ядро қуролларини тарқатмас-

[1] *Каримов И.А.* Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. 12 бет.

[2] *Morgan P.* Security in International Politics: Lessons from the Twentieth Century. – Brussels, Defense Studies Center, 1988.

лик муаммосининг ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келаётганини алоҳида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу муаммони ҳал қилиш битта давлатнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас, у бутунжаҳон муаммоси ҳисобланади.

Фан-техника тараққиётининг жадаллашиши ва ядровий технологиялар бўйича халқаро ҳамкорликнинг кенгайиши натижасида ядро қуролларини ишлаб чиқиш учун моддий имкониятга эга бўлган давлатлар сони ортиб бормоқда. Америкалик мутахассисларнинг ҳисоблашларича, 2000 йилга келиб ядро қуролларини ишлаб чиқиш учун техникавий имкониятларга эга бўлган давлатлар сони 40 тага етиши мумкинлиги тахмин қилинган эди. Бугунги кунга келиб бу тахмин қисман ўз тасдиғини топаётир.

XX асрнинг 90-йиллари атом энергетикаси учун жадал ривожланиш даври бўлди. Энергия истеъмолининг ортиб бориши, одатдаги ёнилғи турлари қийматининг ошиши, юқори самарали ва хавфсиз типдаги атом реакторларининг барпо қилиниши, келгусида атом электр станцияларининг кўпайиб боришига замин яратмоқда.

Бугунги кунда айрим давлатларнинг ўз ядро салоҳиятини юксалтириш, атом қуролига эга бўлишга интилишлари ядро қуролларини тарқатмаслик тартибига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли, барча давлатлар оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқаришга интилмасликлари, ядровий материалларни бойитмаслик тўғрисидаги мораторийга амал қилишлари, атом технологияларидан фақатгина тинчлик мақсадларида фойдаланишлари ҳамда бу борада МАГАТЭ билан яқиндан ҳамкорлик қилишлари ниҳоятда муҳим.

Бир вақтнинг ўзида, ҳарбий мақсадларда қўллашни камайтирган ҳолда, тинчлик йўлида атом энергетикасини ривожлантириш сари илдамлашга қайси йўл билан эришиш мумкин? Бу ўринда Эрон ядровий дастури ва Эрон-АҚШ муносабатларидаги кескинлик, мазкур муаммога жаҳон ҳамжамияти томонидан билдирилаётган муносабат, шу ўринда Россия, Хитой ва айрим Европа давлатларининг воситачилигида Эрон ядровий дастурини дипломатик йўллар билан ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни ўрганиш ва таҳлил этиш катта аҳамият касб этади.

Маълумки, Эрон ядровий дастури 1974 йилда, яъни мамлакат АҚШнинг Яқин Шарқдаги муҳим иттифоқчиларидан бири бўлган пайтларда ҳукмдор Ризошоҳ Паҳлавий томонидан бошланган. 1979 йилнинг 11 февралида Эроннинг диний раҳнамоси Оятулло Ҳумайний ҳукумат тепасига келгач, Бушерда қурилаётган ва деярли ишга туширишга тайёр бўлган атом электр станцияси билан боғлиқ ишларни ядро қуролини ишлаб чиқаришни инсониятга хос бўлмаган ваҳшийлик деб ҳисоблаб, зудлик билан тўхтаттирган эди.[1]

Ҳозирги пайтда Эроннинг ўз ядро дастурини амалга ошириш борасидаги фаоллиги экспертлар ва мутахассислар ўртасидаги мунозараларнинг асосий мавзуларидан бири десак, муболаға бўлмайди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Эрон уранни бойитишни жорий йилнинг апрель ойи охирига қадар тўхтатиши керак деб қарор чиқарган эди. Эрон ўз ядро дастурларининг фақат тинчлик мақсадларига йўналтирилганлигини эътироф этган ҳолда бу талабни рад этиб келмоқда.

Бироқ аксарият АҚШ вакиллари бу каби талқинларни "Эроннинг моҳиятан агрессив бўлган ўз ташқи сиёсатини амалга оширишда муҳим бўлган "ядровий аргумент"ни қўлга киритиш мақсадида қўлланилаётган ниқоб" деб таъкидламоқдалар. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд 5 февраль куни журналистларга берган баёнотида Эрон ядровий дастурига нуқта қўйиш ва унинг атом бомбасига эгалик қилишининг олдини олиш мақсадида ҳарбий ҳаракатлар бошлаб юборилиши мумкинлигини айтиб ўтган эди[1].

АҚШ мудофаа вазирининг бу баёнотини америкалик қатор сиёсатчилар ҳам қўллаб-қувватламоқдалар. Масалан, АҚШ сенатори Билл Фрист Эронга нисбатан дипломатик санкциялар қўллаш, агар улар ҳам кутилган натижани бермаса, Эрон масаласини ҳарбий йўл билан ҳал қилиш зарурлиги хақида фикр билдирган[2].

Америкалик икки сенатор, яъни республикачи Жон Маккейн ва демократ Жо Либерманнинг бу борадаги қарашлари ўта кескин бўлиб, улар Эронга нисбатан ҳарбий босим ўтказишни очиқчасига таклиф қилаётирлар. Масалан, Жон Маккейн «Face the Nation» кўрсатувида "Эроннинг ядро қуролига эга бўлиши АҚШ томонидан ҳарбий куч ишлатилишидан ҳам ёмонроқдир" деб уқтирганди[3]. Жо Либерманнинг фикрига кўра эса, Ироқ, Афғонистон ва дунёнинг бошқа минтақаларида олиб борилаётган ҳарбий операцияларига қарамай, АҚШнинг Эрон ядровий объектларига қарши превентив ҳужумларни амалга оширишга қурби етарли.

А.Пушковнинг фикрича, ҳозирги вақтда АҚШ маъмуриятининг асосий мақсади – Эроннинг ядро қуролини қўлга киритишига йўл қўймаслик ҳисобланса-да, бироқ бу мақсадни амалга ошириш учун АҚШда зарур воситалар йўқ[4].

Маълумки, Эрон ядровий дастури юзасидан 2004 йилнинг ноябрь ойида Буюк Британия, Германия ва Францияннинг Эрон билан тузган келишувлари бу масалани бир оз бўлса-да мувозанатга солган эди. Келишувда расмий Техрон уранни бойитиш бўйича барча ҳаракатларни 6 ойга тўхтатиши, МАГАТЭ мораторийсига амал қилиши ва агентлик мутахассисларини ўз ядровий объектларига киритиши, Европа Иттифоқи давлатлари эса, ўз навбатида, Эрон билан сиёсий, хавфсизлик, савдо ва технологиялар борасида учта ишчи гуруҳнинг фаолият бошлашига розилик бериши, МАГАТЭнинг 2004 йил 25 ноябрь куни ўтказиладиган бошқарув Кенгашида Эрон "ядро досье"сининг ёпилиши учун баёнот беришлари белгиланган эди.

Таъкидлаш жоизки, охирги пайтда бу келишувлар бўйича кутилган натижаларга эришилмагач, Эрон томонининг ўз ядро объектларидан МАГАТЭ муҳрларини олиб ташлаши, уранни бойитиш дастурини ривожлантириши, ва ниҳоят, мамлакат раҳбари Маҳмуд Ахмадийнажоднинг Исроил давлатига нисбатан айтган сўзлари катта шов-шувларга сабаб бўлди[5]. Эрон президенти баёноти ва мамлакат ядро дастури масаласи юзасидан АҚШ ҳамда қатор Европа давлатлари иштирокида МАГАТЭнинг махсус йиғилиши ўтказилиб, унда бу масалани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига киритиш юзасидан келишиб олинди. Бу каби учрашувларда Исроил вакиллари ҳам қатнашдилар ва Эроннинг ядро қуроли-

[1] Қаранг: «Ядерная программа Ирана: Бушер и оружейный плутоний» // http://www.news.ru

[1] Қаранг: *Иванов В.* Шеф Пентагона собирается в новый поход // «Независимое военное обозрении», 10.02.2006, «США готовятся к войне» // http://www.provokator.com.

[2] *Блинов А.* Буша настраивают на новую войну. Большинство американцев поддержат авиационные удары по Ирану // «Независимая газета» от 13.02.2006.

[3] *Джексон Диль.* "Иранская дилемма" президента Буша //»The Washington Post», США //http://www.inosmi.ru.

[4] *Пушков А.* Ядерная программа Ирана: у США есть цель, но нет средств //http://centrasia.org

[5] Қаранг: *Баранов А.* Иран променял мир на уран? // «Комсомольская правда» от 06.02.2006; *Николенко В.* Как ошибалась Америка //http://dialog.kz.

га эга бўлишига асло йўл қўймасликни талаб қилдилар.

Масаланинг эътиборга молик томони шундаки, Маҳмуд Аҳмадийнажод Теҳроннинг марказий «Озоди» майдонида Эрон Ислом инқилобининг 27 йиллигини нишонлаш маросимида сўзлаган нутқида агар Ғарб Эроннинг тинч мақсадларда ядро технологиясидан фойдаланишига тўсқинлик қиладиган бўлса, у ҳолда Эрон 1968 йилги Ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома юзасидан ҳам ўз позициясини қайта кўриб чиқишини маълум қилди[1].

Эроннинг ядровий қурол масаласини ҳал этиши АҚШ, Европа давлатлари ва Исроил билан бир қаторда Россия ва Хитойга боғлиқ. Хитойлик қатор иқтисодчи ва сиёсатчи мутахассислар фикрича, мамлакат миллий хавфсизлиги унинг иқтисодий ўсишига боғлиқ. Ўсиш эса, бугунги кунда табиий ресурслар, биринчи навбатда, нефть ва газ ресурсларини қўлга киритиш имконияти билан характерланади. Шу нуқтаи назардан халқаро муносабатлар билан шуғулланувчи мутахассислар Эрон масаласига ёндашувда ХХР қандай йўл тутишини олдиндан тахмин қилишда қуйидаги омилларга эътиборни қаратмоқдалар:

- Ҳозирги кунда энергоресурслар нархининг кескин сурьатларда кўтарилиб бориши, айниқса, нефть ва газга бўлган талабнинг ортиши Хитой томонининг бу табиий бойликларни ишлаб чиқаришда етакчи ўринларни эгаллаб келаётган Эронга нисбатан эҳтиётқорлик билан ёндашишини талаб қилади.

- 2004 йилда Эрон ва ХХР ўртасида 250 миллион тонна миқдоридаги суюлтирилган газ сотиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, мазкур битим 30 йилга мўлжалланган ва 70 млрд. АҚШ доллари миқдорига тенг. Бундан ташқари, ХХР саноатида фойдаланилаётган нефтнинг 14 фоизини Эрон нефти ташкил этади.

Хитой товарларининг аксарияти АҚШга экспорт қилинади. Ўтган йили АҚШ Конгресси томонидан Хитойга валюта қийматини қайта кўриб чиқиш ва баҳолаш шарти қўйилган, акс ҳолда Хитойдан импорт қилинадиган барча турдаги маҳсулотларга 27,5 % солиқ тўлаш белгиланган эди. Бу масала яқинда АҚШда ўтказиладиган оралиқ сайловларда яна кўтарилиши эҳтимоли бор. Бундан ташқари, ХХРнинг «Cnooc» компанияси АҚШга тегишли «Unocal» компаниясини сотиб олиш бўйича қилган ҳаракатлари натижасида АҚШ Конгрессининг айрим аъзоларини ўзига қарши қайраб қўйган.

АҚШнинг эътирозига сабабчи бўлган масалалар қаторига Хитойнинг Венесуэла билан тузган тижорат битими ҳамда унинг кўп йиллардан бери Америка муаллифлик ҳуқуқлари бузилишига қарши курашга хоҳиш-истак билдирмаётганлиги ҳам киради.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, АҚШнинг Эронга нисбатан жазо санкцияларини қўллаши юзасидан Хитой томонининг қарши позицияда туриши юқорида келтириб ўтилган муаммоларнинг яна сув бетига қалқиб чиқиши ҳамда ХХР-АҚШ муносабатларининг кейинги ривожига ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин[2].

Европа Иттифоқи эса, 1989 йилда Тяньаньмэнь майдонида талабалар томонидан уюштирилган намойиш бостирилгандан сўнг, ХХРга нисбатан қуролярог сотишга эмбарго жорий қилган ва, шубҳасиз, Хитой бу эмбаргонинг олиб ташланишини хоҳлайди. Эрон масаласида Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатларнинг (Буюк Британия, Франция, Германия) тутган позициялари ҳам АҚШ нуқтаи назарига ҳамоҳанглигини инобатга оладиган бўлсак, Хитойнинг Эрон тарафини олиши ҳамда ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланиши эмбаргони бекор қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларига жиддий зиён етказиши ва ХХР-ЕИ муносабатларида кескинликни юзага келтириши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳозирги кунда Эроннинг глобал таъсир доирасига эга бўлган иттифоқчиси йўқ, лекин шу ўринда унинг чексиз энергия заҳираларига эга эканлиги мамлакатга катта имкониятларни беради ва мана шу омил ҳам Хитой томонининг қарорига ўзининг таъсирини ўтказмай қолмайди.

Катта саккизликка кирувчи давлатлар йиғилишига раислик қилиши кутилаётган Россия Федерацияси эса Эрон муаммосини ҳал этиш учун билдирилган, яъни уранни Россия ҳудудида бойитиш ҳақидаги ягона таклиф муаллифи ҳисобланади[1]. Россиянинг бу таклифидан атом энергетикаси учун зарур бўлган ёқилғини Эронга таклиф қилиш ва ҳарбий мақсадларда қўлланилиши мумкин бўлган бойитилган ураннинг Эронда ишлаб чиқарилишининг олдини олиш мақсадлари кўзланмоқда. Жорий йилнинг 16 феврал куни Москвада икки давлат ўртасида Эрон ядро ёнилғисини Россия ҳудудида бойитиш масалалари юзасидан музокаралар ўтказилиши режалаштирилди. Москванинг ушбу таклифи БМТ, МАГАТЭ, Европа Иттифоқи ва АҚШ томонидан қўллаб-қувватланишига ва айрим мунозарали ҳолатларни инобатга олмаганда, Эрон ҳукуматининг ҳам бу таклифни рад этмаганига қарамай, Россия ташаббуси натижа топмади.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 5 доимий аъзоси ва Германия Эроннинг ядро дастури хусусида бир тўхтамга келиш мақсадида 2006 йилнинг 1 июнь куни Вена шаҳрида таклифлар пакетини ишлаб чиқдилар[2]. Учрашув якунида агар Эрон уранни бойитишни тўхтатса, унга кўплаб афзалликлар яратилиши, акс ҳолда расмий Теҳроннинг ядровий дастури масаласи Хавфсизлик кенгашига тақдим этилиши мумкинлиги, унда эса Эронга нисбатан жазо чораларини қўллаш кун тартибига қўйилиши эълон қилинди[3].

АҚШ ва Европа Иттифоқи Эронга нисбатан берилаётган имтиёзлар унинг уранни бойитишдан кўзланган ҳаракатларини тўхтатишда иш бермаса тегишли санкциялар қўллашга эътибор қаратаяпти, Хавфсизлик Кенгашида вето ҳуқуқига эга бўлган Россия ва Хитой эса Эронга нисбатан санкция ва куч ишлатишга қарши чиқмоқдалар.

Россия Ташқи ишлар вазири С.Лавровнинг Вена шаҳрида ўтказилган Европа Кенгашининг ташқи ишлар бўйича комиссияси йиғилишида, агар Эрон ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномага ва унинг қўшимча протоколларига тўлиқ риоя этса, Москва бу давлатнинг тинчлик мақсадларида атом технологиясидан фойдаланиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлаши ва, шу билан бирга, Теҳроннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, унинг бошқа давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиши ва ривожлантиришидан манфаатдор эканлигини таъкидлаб ўтди.

Вена учрашуви юзасидан Эрон раҳбарияти воситачи давлатлар иштирокида тузилган таклифлар дастурини мукаммал ўрганиб чиқиши ва ўз муносабатини билдиришини маълум қилиб[4], АҚШ томонини тўғридан-тўғри музокараларга

[1] Президент Ахмадинежад М.: «Иранский народ может пересмотреть свою политику в отношении ДНЯО» //http://www.centrasia.org.

[2] *Бреммер Ян.* Что будет делать Китай? Пекин определит миру... развитие иранского кризиса /The International Herald Tribune // http://www.centrasia.org.

[1] *Блинов А.* G7 плюс председатель. Иранский кризис и энергошок повышают востребованность Москвы в элитном клубе// «Независимая газета» от 13.02.2006.

[2] Қаранг: Иранҳ разрешат перерабатывать уран, но запретят обогащать // «Труд» от 07.06.2006.

[3] *Мамаев Ш.* Ирану дадут жить спокойно // http://www.prognosis.ru.

[4] Сообщение ИТАР-ТАСС: «Мировая общественность затаила дыхание в ожидании ответа Ирана по ядерной проблеме» // «Известия» от 06.06.2006.

чақирган ва бунда тазйиқ ва босимлар самара бермаслигини уқтирган.

Эрон ядровий дастури масаласида АҚШ позициясида ҳам ён бериш ҳолатлари кузатилмоқда. Масалан, 2006 йил 31 май куни АҚШ Давлат котиби К.Райснинг берган баёнотига кўра, агар Эрон уранни бойитишни тўхтатса, АҚШ Европа давлатлари воситачилигида ўтказилаётган музокараларга қўшилади[1].

АҚШ томонининг мазкур баёнотига баҳо берар экан, Эрон ташқи ишлар вазири М.Муттаки бу сўзларда ҳеч қандай янгилик кўрмаётганини, Эрон ҳеч қачон АҚШ хоҳлаётгандек ўзининг уранни бойитиш ҳуқуқидан воз кечмаслигини, агар АҚШ музокараларга қўшилмоқчи бўлса, "ўз хулқ-атворини ўзгартириши" кераклигини айтиб ўтди.

Эрон ва АҚШ муносабатларининг кескинлашуви ва, охир-оқибат, муаммонинг ҳарбий йўл билан ечилиши эҳтимоли борми, деган саволга жавобан шуни айтиш мумкинки, бундай ҳаракатларнинг амалга оширилиши унчалик ҳақиқатга яқин эмас. Чунки Ироқ ва Афғонистонда олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар АҚШ иқтисодиётига сезиларли таъсир ўтказмоқда, бундан ташқари Эронга нисбатан ҳарбий ҳаракатларнинг бошланиши, юқорида айтилганидек, нефть нархининг кескин кўтарилишига сабаб бўлади. Бу эса, бошқа давлатлар билан бир қаторда, АҚШ иқтисодига ҳам салбий таъсир кўрсатиши табиий.

Бундан ташқари, ҳарбий қарама-қаршиликнинг бошланиши дунёнинг барча нуқталари, жумладан, Осиё давлатлари ва Афғонистондаги АҚШга қарши кучларнинг фаоллашувига сабаб бўлади. Қолаверса, Эроннинг Ироқ ва Афғонистонга нисбатан нафақат ҳарбий, балки иқтисодий, демографик жиҳатдан ҳам каттароқ салоҳиятга эга давлат эканлигини инобатга олиш лозим.

In this connection it's important to emphasize that in the legislation of Uzbekistan there's no precise division between official missions to a foreign state and appointment abroad. However, one should emphasize, that according to labour law appointment abroad and official mission are the same, they have different legal nature and are regulated differently in the legislation.

Appointment abroad relating to the character of work, conditions and peculiarities of labour and depending on the dates of staying workers beyond the Republic of Uzbekistan can be divided into the following categories:

- Employers appointed from the Republic of Uzbekistan and accepted abroad from the member or members of their families on established post and non-permanent staff to establishments, organizations of the Republic o Uzbekistan abroad (embassies, trade enterprises, etc.);
- Employers appointed abroad for technical promotions and other services to foreign enterprises, building of different industrial object and fulfilling other missions;
- Employers leaving for the probation period to foreign firms.

In this case, labour relations enumerated categories of employers are regulated by common norms of the legislation of the Republic of Uzbekistan. If other rules don't set by special legislation or by International arguments of the Republic of Uzbekistan.

As for a business trip abroad, in this case our legislation is in force. Nowadays in the Republic of Uzbekistan special norms, acts are not on into account, which will take into consideration specific characters of labour conditions of our citizens. It is supposed, that with acquiring independent Republic of Uzbekistan, peculiarities of regulating business trips, stipulated in the member of case by social-economic reasons comprising also external economic activity, demand from our point if veins working out special law about labour rights and duties, sent to work abroad.

Unlike foreign trips, definite peculiarities have the regulation of home probationers working of foreign firms in the directions of their organizations, that is job in foreign firms and organizations for mastering advanced methods of managements and equipment, positive foreign experience and etc.

The direction of specialist to probation is realized on the bases of contracts concluded between duties worker and organization dispatching him to the probation are registered by agreement. Because probations carry out labour functions in foreign labour group at enterprises and organizations of foreign employer, then this circumstance causes use of public-law foreign norms to some aspects of labour relation. The question is about working time and rest time, safety devices and etc. However it is necessary to emphasize that in their work conditions, in this case, are determined by labour agreements, which, in our opinion, should not worsen their situations in comparison with labour legislation of the Republic of Uzbekistan.

Meanwhile, labour conditions of workers directed abroad in the line of economic and technical cooperation, have some peculiarities.

According to "Hungarian" law of International Private Law, if employer or hungarian employer works abroad on business or longer abroad service, that to labour relations "hungarian" law should be used. This norm is formulated as one-sided. As double-sided regulations certain rules of acts of different countries are formulated. For example, in Australian law about International Private Law is stated that contract of

hire of work is regulated by state law by the place of ordinary work place. The same is used if he is directed to another country for work. At the same time Law of Czech Republic of International Private Law and process 1963 foresees that if employer in on country on the basis of labour relations with organization, which is situated in another country, decisive is the law of residence of organization, where the work was done. Therefore, in similar cases the law of work place is used, not the law of residence of organization.

However active legislation of the Republic of Uzbekistan doesn't contain norms, defining which law is used, if employer works in another country for fulfilling some missions. In the connection we suggest during the development and adopting the Law on International Private Law to take into consideration the rule according in case, if the person sent abroad by corresponding organization fulfills the work, to labour relationship of their person with the organization the principle of law is used for the employer.

Thus, labour relations of citizens of the Republic of Uzbekistan on the contracts by foreign employers, in order to carry out job abroad, can depend on various law orders, depending on that or other collision principles.

At the same time, today one of the most spread basis of founding labour relations of citizens of the Republic of Uzbekistan abroad, remains as signing labour contract with foreign employer, that is, enter labour migration.

It should be noted, that nowadays, in many countries of the world, agencies of labour exist, which are obliged to serve citizens connected with labour abroad, on the behalf of labour contract or financial award.

Together with, it's necessary to underline, that employer-migrant can find a job without the help of the commissioner, signing on individual labour agreement irrespective with a foreign employer.

In this case the contract must be structured carefully, to fix in maximum conditions of labour, rights annule obligations of ides and foresee the decision possible collisions in labour law relations, as in reality most of quarries and problems appear because of negligence migrants to consent and making up the labour contract.

As to the conditions of realizing labour activity and temporary arrive of the citizens of the Republic if Uzbekistan abroad are determined in contracts with employer, according to legislation of country-employment, that is labour legislature of the country-employment is spread on them, and also international rules of labour migration, of course, the county of hosting migrants adopts these rules.

However, the conditions of labour of the citizens of the Republic of Uzbekistan should not be worse than the conditions foreseeing the contracts with foreign citizens of other countries.

However, citizens of Uzbekistan Constitute special group of those who live constantly abroad, who can work on the contract of hiring in foreign office or at employer's. In such case the conditions of the work of the citizen will be determined by the legislation about the Labour in the country of staying. Thus, the fact of the citizenship doesn't involve using the norms of the labour law. In conclusion it may be noted, that at present labour relationships between foreign employers and our workers-migrants get international character and the state must influence actively on the process of labour migrants abroad and regulate migrational floods in connection with other process and phenomenon of socially-economic an political life of the republic.

К.Абдурахманов,
академик, ректор филиала РЭА им. Г.В. Плеханова в г. Ташкенте

УЗБЕКИСТАН И РОССИЯ: СОТРУДНИЧЕСТВО ВО ИМЯ ПРОГРЕССА

Россия была и остается для нас самым надежным оплотом и союзником.
И.А. Каримов

Как показывают события последних лет, российско-узбекистанские отношения непрерывно укрепляются. 14 ноября 2005 года между Россией и Узбекистаном был подписан Договор о союзнических отношениях. 25 января 2006 г. Узбекистан стал членом Евразийского Экономического Сообщества (ЕврАзЭС). Эти даты символизируют новые вехи, уровень качества и степень взаимодействия в отношениях между Россией и Узбекистаном.

Основными направлениями взаимодействия являются развитие и функционирование рынка товаров, услуг, капитала и рабочей силы, проведение согласованной налоговой, денежно-кредитной, валютно-финансовой, торговой и таможенной политики, поощрение и защита инвестиций. Узбекистан и Россия также договорились углублять взаимовыгодное сотрудничество в деле совместного развития и использования национальных и международных транспортных инфраструктур, обеспечения на своей территории благоприятных условий для осуществления транзитных перевозок пассажиров и грузов, а также возможного привлечения для этих целей инвестиций из третьих государств и международных финансовых организаций.

В контексте своих взаимоотношений Россия и Узбекистан придают приоритетное значение расширению экономических связей, наращиванию взаимодействия в культурной и гуманитарной сферах. Наши страны стали активнее координировать свои действия в этих направлениях как в двустороннем формате, так и рамках региональных и международных организаций.

Подтверждением динамичного развития сотрудничества России и Узбекистана служит стабильный рост товарооборота между нашими странами. По итогам I квартала 2004 г. товарооборот между двумя странами увеличился на 26 % по сравнению с аналогичным периодом 2003 г. и составил 226,9 млн долл. США, при этом объем экспорта продукции и услуг в Узбекистан достиг 132,6 млн долл. США (58,4 % от суммы внешнеторговых операций), импорта из Узбекистана - 94,3 млн долл. США (41,6%). По итогам 2005 г. уровень взаимного товарооборота достиг рекордной отметки за годы независимости России и Узбекистана – более 2 млрд долл., а в первом квартале 2006 г. по сравнению с аналогичным периодом прошлого года вырос на 26,1% и составил 402 млн долл.

Основными статьями поставок из Узбекистана в Россию являются машины и оборудование, хлопковое волокно, плодоовощная продукция. В структуре российского импорта преобладают машины и оборудование, черные металлы и изделия из них, продукция фармацевтической промышленности.

В Узбекистане зарегистрировано более трехсот предприятий с участием российских инвесторов, в том числе около 40 со 100 %-ным российским капиталом. Десятки российских компаний имеют свои представительства в республике. В России действуют более сотни предприятий, созданных при участии узбекистанских резидентов, в том числе порядка 70 совместных предприятий (СП).

Локомотивом экономического сотрудничества призвана стать наиболее динамично развивающаяся сфера экономики - топливно-энергетический комплекс. В процессе осуществления и проработки находится ряд крупных проектов в области разведки, добычи и транспортировки узбекистанского природного газа. Важной вехой здесь стало подписание 14 апреля 2004 г. между ОАО «Газпром» и НХК «Узбекнефтегаз» Соглашения о разделе продукции по доразработке газового месторождения Шахпахты - первого проекта по практической реализации Закона Республики Узбекистан «О соглашениях о разделе продукции». Подписано соглашение по разработке Устюртского газового месторождения. Стоимость этого инвестиционного проекта составляет 1,4 млрд долл. США. Эти договоренности достигнуты в рамках ранее подписанного соглашения о стратегическом партнерстве между «Газпромом» и «Узбекнефтегазом». Их практическая реализация, как ожидается, позволит довести за 2006 г. объем экспортируемого в Россию газа до 10 млрд кубометров. 16 июня 2004 г. в Ташкенте было подписано соглашение о разделе продукции между ОАО «ЛУКОЙЛ» и НХК «Узбекнефтегаз» по Кандымскому нефтегазовому проекту стоимостью около 1 млрд долл. США. Максимальный объем добычи по проекту предусматривается в размере 8,8 млрд куб. м газа в год, а на первом этапе его реализации - 2,8 млрд куб. м в год. В работе на рынке Узбекистана проявляют заинтересованность также и другие российские предпринимательские структуры, в частности Союз нефтегазопромышленников России.

Наметилось укрепление кооперации в сфере переработки сельскохозяйственной продукции, где уже действуют девять узбекистанско-российских СП, в том числе совместно с известными российскими компаниями «Балтимор», «Черкизово» и другими. Компания «Вимм Билль Дан» подписала договор о приобретении 77 % акций крупнейшего объединения «Тошкентсут» и предусматривает инвестировать 20 млн долл. США в создание совместного производства молочной продукции и фруктовых соков.

Взаимовыгодными сферами сотрудничества также могут стать металлургическая, энергетическая промышленность, авиастроение, водное хозяйство, банковское дело, страхование, медицина и другие отрасли.

В целом можно сказать, что сегодня Узбекистан практически открыт для крупнейших предприятий России в области приватизации.

Находясь в Сочи с рабочим визитом по приглашению Президента РФ В.В. Путина, Президент Узбекистана И.А. Каримов призвал российский бизнес активнее участвовать в процессе приватизации в Узбекистане, отметив, что «Узбекистан выгодно отличается от других стран прежде всего тем, что он не торопился с процессами приватизации. Можно сказать, самые «лакомые куски» (если выражаться конъюнктур-

ным языком), стратегические объекты (если выражаться нормальным языком) как раз требуют решения вопроса, связанного с приватизацией. Российские компании могут принять активное участие в том, чтобы они не просто присутствовали на рынке, а стали владельцами очень многих весомых объектов собственности».

Экономические реформы, проводимые в России и Узбекистане, географическая близость, хорошее знание предпринимателями рынков двух стран и менталитета наших народов служат прочной основой для дальнейшего укрепления сотрудничества в торговой, инвестиционной и других сферах хозяйственной деятельности. В этой связи необходимо также подробнее остановиться на анализе региональной интеграции Узбекистана и России в рамках ЕврАзЭС. Развитие ЕврАзЭС как одной из интеграционных группировок обусловливается общими закономерностями глобализационного процесса, характерными для XXI в.: интернационализацией и транснационализацией экономики, созданием международного информационного производства, основанного на принципиально новой системе разделения труда между странами и международной кооперации.

История ЕврАзЭС берет свое начало с 20 января 1996 г. с Соглашения о таможенном союзе. В него входили Республика Белоруссия, Республика Казахстан и Российская Федерация. Позднее к этому союзу присоединились Киргизия и Таджикистан. В 2000 г. главы государств-членов Таможенного союза договорились о создании Евразийского экономического сообщества. Так возникла международная государственная организация, имеющая международный статус и наделенная более широкими, чем Таможенный союз, полномочиями в решении вопросов интеграционного взаимодействия.

В то же время приоритетность экономической интеграции не означает ее единственности. Сообщество, создаваемое исключительно для решения экономических задач, для реализации только экономических интересов интегрирующихся сторон, не может состояться как культурно-историческая система или цивилизация, не может противостоять идеологической, военно-политической и культурной экспансии других цивилизаций. В ЕврАзЭС создается единое (общее) образовательное пространство на основе согласованной системы признания документов об образовании (от начального до высшего и послевузовского), позволяющей беспрепятственно получать образование в учебных заведениях, а выпускникам - трудоустраиваться в соответствии с полученным образованием в любой стране Сообщества.

Укрепляется взаимодействие между научными кругами России и Узбекистана. На 2005/2006 учебный год Узбекистану по государственной линии предоставлено 140 стипендий для обучения молодежи Узбекистана в российских вузах, магистратурах, аспирантурах и т.д. Кроме того, принято решение о создании филиала МГУ им. М.В.Ломоносова в г.Ташкенте. Филиал одного из ведущих экономических вузов России, имеющего почти вековую историю, – РЭА им. Г.В. Плеханова, успешно и плодотворно функционирует в Ташкенте вот уже 10 лет. За это время подготовлено более 900 выпускников, которые работают не только в Узбекистане, но и в Российской Федерации, США, Великобритании, Германии и других развитых странах мира. В Филиале РЭА им. Г.В. Плеханова в г. Ташкенте накоплен богатый опыт проведения совместных научно-практических и теоретических конференций, семинаров, совещаний по проблемам современного экономического развития, мастер-классов с

участием преподавателей и научных деятелей из России. В учебном процессе активно используется потенциал головного вуза, традиционными стали лекции, читаемые акад. В.И.Видяпиным, акад. Г.П.Журавлевой, проф. В.П.Белянским, проф. Т.П.Данько, проф. Ю.Г.Одеговым и др. Совместно с Российской экономической академией им. Г.В.Плеханова филиал проводит ежегодно Международную конференцию «Плехановские чтения». Также стали традиционными посещения «Плехановских чтений» в г. Москве студентами филиала. Филиал также проводит семинары повышения квалификации для профессорско-преподавательского состава экономических вузов Узбекистана. В апреле 2003 г. 30 заведующих кафедрами вузов республики прошли стажировку в Москве на базе Российской экономической академии им. Г.В. Плеханова. Результатом этого семинара стал сборник материалов к чтению лекций «Российский опыт по экономическому образованию». В начале 2006 г. был проведен очередной мастер-класс, в работе которого приняли участие ученые и специалисты Узбекистана из Налоговой академии, Национального университета, Исламского университета, Института экономики АН, Финансового института, Медицинской академии, Института связи, Автодорожного института, Института востоковедения, Технического университета. Мастер-класс, посвященный исследованию основных проблем институциональной экономики, проводил доктор экономических наук, профессор, заслуженный работник высшей школы, автор ряда популярнейших учебников «Экономика развития», «Курс микроэкономики», «Теория общественного выбора», зав. каф. «национальная экономика» РЭА им. Г.В. Плеханова Рустем Махмутович Нуреев. Поэтому можно сказать, что филиал вносит свою весомую лепту в укрепление гуманитарных и культурных связей между двумя нашими странами, являясь своеобразным мостом между Россией и Узбекистаном.

В феврале 2006 г. состоялся визит президента Российской экономической академии им.Г.В.Плеханова акад. В.И.Видяпина в г.Ташкент. В своем программном выступлении, которое было опубликовано в газете «Труд», Виталий Иванович наметил стратегические шаги в развитии филиала РЭА им. Г.В.Плеханова в г.Ташкенте посредством открытия новых направлений в образовании, таких как экономика и право, управление финансами и т.п.

Центральным событием в культурной области двустороннего сотрудничества стало подписание Программы культурного сотрудничества на 2005-2006 гг. На осень 2006 г. запланировано проведение Дней культуры Узбекистана в России.

Расширению и развитию культурных связей активно способствуют Русский культурный центр Республики Узбекистан, Общество дружбы «Узбекистан – Россия».

Узбекистан и Россия объединяют силы и ресурсы, огромный гуманитарный потенциал во имя стабильности и прогресса в регионе.

Х.Мадиримов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси адъюнкти

ХИВА ХОНЛИГИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси миллий давлатчилик тарихини чуқур ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тарихчи олимлар ва журналистлар билан бўлган суҳбатда бутун илмий жамоатчилик эътиборини ўз юртимиз ўтмишининг ҳаққоний тарихини яратишга қаратиб, "ўзбек давлатчилиги қандай тарихий босқичларни босиб ўтди?"[1] - деган саволга жавоб излашга чақирди. Бу борада юртимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос ўрин эгаллаб, алоҳида ўрганишни тақозо этади. Шундай экан, қадимий маданият ўчоғи ҳисобланган Хоразм воҳасида мавжуд бўлган Хива хонлиги ва унинг дипломатик муносабатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Хива хонлиги ташкил топгандан бошлаб тугатилгунга қадар (1511/1512-1920 й.й.) қўшни давлатлар билан расмий-сиёсий дипломатик муносабатларни олиб борган. Илк ташкил топган даврдан бошлаб Бухоро, Қўқон, Эрон, Туркия, Афғонистон, Курдистон, Россия, Хиндистон, Хитой, Англия ва бошқа давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий алоқалар йўлга қўйилган.[2]

Хонлик дипломатик муносабатларининг таҳлили қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатишга имкон яратди.

Биринчидан, хонликнинг дипломатик алоқалари ўрта асрларга хос бўлган хусусиятни ўзида сақлаб қолиб, у жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт даражаси билан белгиланган.

Иккинчидан, дипломатик жараён оддий кўринишда бўлиб, дипломатик муносабатларни олиб боришга ихтисослашган алоҳида давлат органи мавжуд бўлмаган. Ташқи алоқалар хон томонидан йўлга қўйилган, марказий бошқарув ишлари давлат девони ва хон котибияти орқали мувофиқлаштириб борилган. Шунинг учун хорижий давлатларга юборилаётган элчи гуруҳлари таркиби ҳар гал янгидан тузилган ва уларнинг аксарияти бундай фаолият билан таниш бўлмаганлар.

Учинчидан, давлат ҳокимиятини эгаллаш қатъий белгилаб қўйилган қоидалар асосида амалга оширилмасдан, одат нормалари билан белгиланганлиги боис, тахтни эгаллаган ҳукмдор ўз хавфсизлигини таъминлаш, бошқа бир шахснинг даъво билан чиқишининг олдини олиш мақсадида сиёсий бошпана ва тутқунлик институтидан фойдаланган. Жумладан, ҳокимият учун кураш авж олган ёки ташқи босқин амалга оширилган вақтларда Хива хонлари сиёсий бошпана топиш учун Эрон шоҳлари, Бухоро ва қозоқ хонлари ҳузурига боришган. Шунингдек, ҳокимиятни эгаллаган хон сулоласининг бошқа вакили, яъни ака-укаси тахтга даъвогарлик қилиши ёки ҳокимиятни эгаллашга даъват этиб халқ томонидан қўллаб-қувватланишини олдини олиш мақсадида уларни Бухоро, Эрон, Рус давлатлари бошлиқлари ҳузурига тутқинликда сақлаш учун юборган. Масалан, Хива хонлари сулоласидан Араб Муҳаммадхоннинг ўғли Ҳабаш султон (Араб Муҳаммадхоннинг ўғли, 1621-1623 й.й.) ҳокимиятни эгаллаганда кичик укаси, яъни Араб Муҳаммадхоннинг кенжа ўғли Авғон султонни Рус давлатига жўнатади ва у 30 йил рус подшоси ҳузурида тутқинликда сақланиб вафот этади. Бундай ҳолатларни кўплаб келтириш мумкин.

Тўртинчидан, хонликнинг бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатлари доимо бир тарзда кечмаган. Марказий аппаратнинг мавқеи, ҳудудларнинг ярим мустақил ҳолда бошқарилиши, Хиванинг бошқа давлатлар таъсири остига тушиб қолиши ушбу муносабатларда ўз таъсирини кўрсатган. Жумладан, 1596-1598 йилларда Хива Бухоро хонлиги (Абдуллахон) таъсирига тушиб қолади. Натижада бу даврда ҳокимиятни бошқариб келаётган Ҳожи Муҳаммадхон (1559/60-1602 й.й.) хонлик номидан иш кўра олмайди. Шунингдек, мазкур вақтда хонликдан бошқа давлатларга элчи ёки элчи гуруҳлари жўнатилмайди.[1] Сулолавий бошқарув тузуми даврида эса (XVI аср) ярим мустақил ҳолда ўз ҳудудини бошқарувчи хон сулоласи аъзолари бўлган султонлар ўз ҳудудлари номидан шахсан қўшни давлат бошлиқлари билан учрашиб, музокаралар олиб борган, хусусан, уларда чегара-ҳудуд масалалари ҳал қилинган.

Бешинчидан, дипломатик муносабатлар кўп ҳолларда қариндош – уруғчилик ва қуда-андачилик муносабатлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилган. Жумладан, барча даврларда ҳам қариндош-уруғга нисбатан бўлган муносабатлар бир мунча ижобий аҳамият касб этгани боис минтақа барқарорлиги ва давлат чегаралари дахлсизлигига эришиш мақсадида давлатлар ўртасидаги элчилик муносабатларидан ташқари давлат бошлиқлари ўртасида қуда-андачилик асосида қариндошчилик муносабатлари йўлга қўйилган. Масалан, 1) Бучғахон (Бужақахон – Амнакнинг ўғли, 1522-1525/26 й.й.) ҳокимиятни бошқарган даврда акаси Сўфиёнхоннинг қизи (Ойиша беги)ни Эрон шоҳи Таҳмосибга турмушга берган; 2) Хива хони Аванишхон (Амнакнинг ўғли, 1525/26-1538 й.й.) ўғли Динмуҳаммаднинг қизини, яъни неварасини Бухоро хони Абдуллахонга турмушга беради. Биринчи ҳолат бўйича Эрон шоҳи томонидан Хўжанд шаҳри қалин сифатида Сўфиёнхоннинг ўғли Ағиш Султонга берилади. Ағиш Султон Эрон таркибидаги хонлик билан чегарадош Хўжандда умрининг охирига қадар (30 йил) ҳокимлик қилади.

Давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатлар шахсан хон назорати остида бўлиб, олий мансабдор шахслар томонидан олиб борилган ва мунтазам хабардор бўлиб турилган.

[1] *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз / Тарихий хотирасиз келажак йўқ: Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат. Т 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 232-254-бетлар.

[2] *Бобоев Ҳ., Норматов К.* Миллий давлатчилик ҳақида. – Т.: Ёзувчи, 1999. 15-бет; *Абу Тоҳирхожа ва бошқ.* Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. – Т.: Камалак, 1991. 175-266-бетлар.

[1] Ўзбекистон тарихи: Қисқача маълумотнома. – Т.: Шарқ, 2000. 120-бет; Ўзбекистон халқлари тарихи. II жилд. - Т.: "Фан" нашриёти, 1994. 16-21, 89-бетлар.

Хонликка деярли ҳар йили қўшни давлатлардан элчилар келиб, Хивадан ҳам элчилар жўнатилиб турилган. Чунончи, маҳаллий тарихнавислар томонидан ёзилган қатор тарихий манбаларда Хивада, умуман Ўрта Осиё хонликларида олиб борилган дипломатик муносабатлар жараёнида мамлакатга келган ўзга юрт элчисига маҳаллий элчини қўшиб юбориш удуми амал қилганлиги билан боғлиқ кўплаб маълумотларни учратиш мумкин.[1] Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, одатда, ўзга давлат элчисига қўшиб ўз элчисини юбориш жавоб тариқасида амалга оширилган. Чунончи, аксарият ҳолларда қўшни давлатлар билан икки томонлама алоқаларни яхшилашда Хива хонлиги биринчи бўлиб ташаббус билан чиққан.

Дипломатик муносабатлар жараёни, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, оддий кўринишда бўлган. Саройда фаолият кўрсатувчи кўплаб давлат тилларини мукаммал билувчи муайян мансабдор шахслар (масалан, девонбеги, амир ул-умаро, кўчманчи аҳоли уруғ бошлиғи ҳисобланган иноқ ва бийлар) шахсий қобилияти ҳамда жиҳатларига кўра бошқа давлатларга элчи сифатида жўнатилган. Одатда, бир неча мартаба бошқа давлатларга элчи сифатида бориб келган, маълум тажриба орттирган олий ва марказий мансабдор шахслар элчи тариқасида кейинги даврларда ҳам жўнатилган.

Давлатлар ва халқлар ўртасидаги муҳим сиёсий аҳамият касб этган дипломатик муносабатлар элчилар, асосан элчи гуруҳлари (делегация), шунингдек, савдо карвонлари орқали ҳам амалга оширилган.[2] Элчи гуруҳи аъзоларининг сони айрим ҳолларда 20 дан зиёд кишини ташкил этган. Унинг таркибига, ўз навбатида, элчи ҳамда олий, марказий ва маҳаллий мансабдор шахслар, жамоат арбоблари, ташриф буюрилаётган давлат билан йирик савдо-иқтисодий алоқаларни амалга ошириб келаётган савдогарлар ва хоннинг шахсий ёрдамчилари (маҳрамлар) ҳам кирган.[3]

Одатда бирор-бир давлатга юборилаётган элчига хон номидан ёзилган ва хон имзоси ҳамда муҳри босилган хат топширилган. Шу ҳолатдагина у хонликнинг ваколатли вакили ҳисобланиб, хон номидан иш кўриш ҳуқуқига эга бўлган.

Хонликдан ўзга давлатларга юборилган элчилар ўз фаолиятини олиб бориш давомида сарой билан доимий алоқада бўлган. Белгиланган давлат (масалан, Бухоро амирлиги)га етиб борганлиги, давлат бошлиғи билан учрашганлиги, учрашув якуни ҳамда Хивага оид янги сиёсий хабарлар ҳақида олий мансабдор шахсларни хат билан хабардор этган ва доимий тарзда мактуб жўнатиб турган. Мамлакатга қайтиб келиши биланоқ хон қабулида бўлиб, ҳисобот ва ахборот берган.[4]

Мамлакатга давлат ташрифи билан келган элчи ва юқори мартабали меҳмонлар катта ҳурмат ва эҳтиром билан алоҳида махсус ҳовли-жой (кейинги даврларда Хива шаҳрининг дешон қалъа ҳудудида жойлашган Нуруллобой саройи)да кутиб олинган. Одатда, ўзга давлат элчиси ўз давлати бошлиғи номидан мактуб ва ҳадялар билан келиб, шахсан қабулида бўлган ва уларни топширган. Ўз навбатида, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бутун хонлик ҳудудида юзбошилар раҳбарлигида навкарлар томонидан уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва қўриқлаш ишлари ташкил этилган. Элчиларга, хонликда узоқ муддат давомида фаолият кўрсатган тақдирда, доимий ҳақ (маош) тайинлаган.[1] Ўз мамлакатига қайтиб кетишлари муносабати билан эса йўл харажатлари учун давлат хазинаси ҳисобидан етарли миқдорда маблағ, совға-салом ва сарпо ажратилган ҳамда хон номидан шу давлат бошлиғи номига мактуб топширилган.

Хонликнинг Қўқон хонлиги (Ҳўқанд вилояти) билан ўртадаги қўшничилик муносабатлари асосан ижобий характерда бўлган.

Бухоро хонлиги (амирлиги) билан муносабатлар нисбатан ўзгариб турган. Жумладан, муайян даврда ҳокимиятни бошқарган хон сиёсатига қарши ёки ҳокимиятни эгаллаш илинжида бўлган Хивалик амалдорлар гуруҳи (дастлабки даврларда сулола аъзолари) Бухоро хонига ҳарбий ёрдам сўраб мурожаат этиши ёки бунинг акси бўлган ҳолларда ўзаро тўқнашувлар кузатилган. Одатда эса икки томонлама дипломатик алоқалар савдо-иқтисодий муносабатлари билан ҳамоҳанг тарзда мунтазам амалга ошириб келинган. XIX аср ўрталаридан сўнг то улар тугатилгунга қадар, чунончи, рус босқинида бетарафлик, рус давлатининг Хива устидан мустамлакачилик тузумини ўрнатиш сиёсатига ён босиш ҳоллари кузатилган бўлса-да барқарор бўлган.

Қўшни давлат ҳисобланган Эрон билан ўртадаги муносабатлар хонлик илк ташкил топган вақтда ва XIX асрнинг биринчи ярмида диний эътиқодлар бошқалиги сабабли (ислом дини мазҳаблари бўлган суннийлик Хивада ва шиа мазҳаби эса Эронда амал қилган) салбий характер касб этган. Шундай бўлса-да, Эрон давлати билан хон сулоласининг кўпгина вакиллари томонидан XVI-XVII асрнинг ўрталарига қадар дўстона муносабатлар ўрнатилиб, яқиндан сиёсий-ҳарбий ҳамкорлик олиб борилган. Бошқа барча даврларда эса икки томонлама муносабатлар бир мунча ижобий кечади.

Афғонистон билан икки томонлама сиёсий алоқалар нисбатан камроқ амалга оширилган.

Англия билан дипломатик алоқалар XIX асрнинг ўрталарида, яъни Англиянинг Ўрта Осиёда ўз мавқеини мустаҳкамлаган илк даврларда дўстона ва ижобий характерда бўлади. Бу борада олиб борилган сиёсий алоқалар давлат бошқарувига оид бўлиб, у савдо-иқтисодий алоқалар Афғонистон орқали амалга оширилган. Жумладан, Англиядан ҳарбий ёрдам сўраб, сиёсий ҳамкорлик қилиш мақсадида 1872 йил мартда Хивадан Афғонистон ва Ҳиндистонга элчи гуруҳлари юборилади.[2]

Рус подшолиги билан икки томонлама дипломатик алоқалар XVI асрнинг ўрталариданоқ йўлга қўйилган. Кейинги даврларга келиб икки давлат ўртасида кўпроқ иқтисодий муносабатлар ривож топади. XIX аср иккинчи ярмининг ўрталарига келиб, Россиянинг

[1] *Огаҳий Муҳаммад Ризо Мироб Эрниёзбек ўғли.* Асарлар: 6-жилдлик. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриети, 1978. 5 жилд. 11-13, 150-бетлар; *Камалов С.К.* Каракалпаки в XVIII-XIX веках (К истории взаимоотношений с Россией и среднеазиатскими ханствами). - Т.: Фан, 1968. 186-187 с.

[2] Ўша жойда, 16-бет; *Асим М.* Посланник Хорезма. - Т., Изд. литературы и искусства, 1974. 12-19 с.

[3] *Погорельский И.В.* Очерки экономической и политической истории Хивинского ханства в конце XIX и начале XX в. (1873-1917 гг.). - Л.: Изд-во Ленинградского университета 1968. 23 с.; *Зоҳидов С.Ф., Нуржонов К.* Феруз ҳақида ривоятлар. - Урганч: 1994. 25-26-бетлар.

[4] *Муниров К.* Хоразмда тарихнавислик. - Т. 2002. 130-144-бетлар.

[1] *Иванов П.П.* Архив хивинских ханов XIX в. Исследование и описание документов с историческим введением. - Л., 1940. 227 с.

[2] Борьба трудящихся Каракалпакии против социального и колониального гнета (1873-февраль 1917 г.). - Т.: "Фан", 1971. 19 с.; *Зиёев Ҳ.* Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т. : Шарқ, 1998. 309-315-бетлар.

Ўрта Осиёга нисбатан босқинчилик ҳаракати кучаяди. Бу борада чор ҳукумати хонликларни бирлашган ҳолда қарши жанг қилмасликлари учун ҳамда осонроқ босиб олиш мақсадида уларни бир-бирига қарши қўйиш усулидан фойдаланади. Шу аснода рус подшолиги қайсидир маънода маҳаллий Ўрта Осиё хонликларининг бирлашишига имкон бермайди. Шунингдек, Ўрта Осиё, хусусан Хива хонлиги ҳудудини ҳамда бозорларини эгаллаш, бой хомашё заҳирасини қўлга киритиш йўлида амалга оширилган рус подшолиги босқини жараёнида уруш қилмаслик ҳақида олиб борилган музокараларда ҳеч бир натижага эришилмайди.

Хонликнинг кейинги тарихи, мустақил давлатимизнинг ўтмиши чор мустамлака тузуми ва унинг ўрнида барпо этилган собиқ Иттифоқ тарихи билан узвий боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан Хива хонлиги дипломатик муносабатларида Чор Россияси билан олиб борилган алоқалар муҳим аҳамиятга эга ҳолат сифатида ўрганилиши мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш жоизки, рус подшолиги билан олиб борилган дипломатик муносабатлар унинг Ўрта Осиёдаги мавқеининг мустаҳкамланишига қараб ўзгариб турган.

Дастлабки даврларда Россия билан дипломатик муносабатлар асосан таланган савдо карвонларига етказилган зиённи ундириб бериш, қулликда сақланаётган асирларни қайтариш, савдо муносабатларини енгиллаштириш билан боғлиқ бўлган. Масалан, 1825 йилда рус давлатининг вакили полковник Берг ва Хива элчиси ўзаро музокара олиб боради, 1841 йили Бош штаб капитани Никифоров, 1842 йили Данилевский хонликка ташриф буюради.

1843 йил 8 январда Данилевский билан хон ўртасида шартнома имзолади. Унга кўра, хон (Раҳимқули, 1842-1845 й.й.) Россия билан муносабатларда талончилик ҳаракатларининг олдини олишга, рус тобелигига ўтган асирларни озод этиш ва Хивага олиб кириладиган моллардан олинадиган божни 5% гача тушириш мажбуриятини олади. Бироқ рус ҳукумати савдо карвонларини талаш ва фуқароларни асир сифатида ўғирлаш натижасида етказилган зиённи ундириб беришдан бош тортади. Натижада мазкур шартнома фақат қоғозда қолиб кетади. Александр II нинг тахтга ўтириши муносабати билан табриклаш ҳамда икки томонлама алоқаларни яхшилаш мақсадида Хива элчи гуруҳи Петербургга (1857) ташриф буюради. Шу йили Хивага полковник Н.П. Игнатьев бошчилигида хонликдаги аҳвол билан танишиш, уларнинг ишига Англия агентлари томонидан аралашиш ҳолатларини бартараф этиш ва рус савдо кемаларининг Амударёда сузишига рухсат олишга эришиш ҳақида кўрсатма берилган рус элчи гуруҳи келади. Фақат рус давлати манфаатлари акс этган шартлар юзасидан олиб борилган музокаралар жараёнида бирор натижага эришилмайди.[1]

1873 йилнинг август ойида Хива ва Чор Россияси ўртасида "Дўстлик" (Тинчлик, Хандуман, Гандимён) шартномаси (сулҳ, трактат) тузилади.[2] Ҳудди шу даврдан улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар мазкур ҳужжат асосида амалга оширилиб келинган. Чунончи, унинг биринчи бандида, Хива хони (Саййид Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон – Муҳаммад Раҳимхон II, 1863-1910 й.й.) Бутунроссия императорининг вассали сифатида қўшни ҳукмдорлар ва хонлар билан бевосита ва дўстона муносабатларни олиб бориш ва улар билан ҳар қандай шартномаларни тузиш ваколатидан маҳрум этилиши белгилаб қўйилади. Хонликнинг ташқи муносабатлари 1873-1899 йилларда генерал губернатор маҳкамасининг дипломатия қисми томонидан, 1899-1917 йилларда генерал губернатор ҳузуридаги дипломатик ишлар бўйича мансабдор шахс томонидан бошқарилади.[1]

Шундай бўлса-да, хонликда дипломатик муносабатлар чор мустамлакачилик тузумининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши даврларида ҳукмронлик қилган Саййид Муҳаммад Раҳимхон даврида ҳам амал қилади.

Ўз навбатида, бу даврда Саййид Муҳаммад Раҳимхон ва Исфандиёрхон (1910 йил-1918 й.й.) деярли ҳар йили шахсан ўзи бошчилигида элчи гуруҳи билан Петербург (Чор давлати пойтахти) ва Тошкент (Туркистон генерал губернаторлиги маркази)га бориб туради.[2]

Маҳаллий тарихнавис Муҳаммад Юсуф Баёний (1859-1923 й.й.)нинг "Шажараи Хоразмшоҳий" асарида мустамлака даврида ҳам ташқи муносабатлар нисбатан амалга оширилиб келинганлиги ҳақидаги маълумотлар учрайди. Жумладан, XIX асрнинг охирларида хон оиласи аъзоси вакили Раҳимқулихон ҳаж сафари баробарида Истанбулга бориб Хива хони вакили сифатида халифа билан расмий сиёсий учрашув ўтказиб, унга хон тилакларини етказади ва Хивага қайтиб келганидан сўнг Саййид Муҳаммад Раҳимхон қабулида бўлиб, учрашув натижалари ҳақида унга маълум қилади.[3]

Хива хонлигининг ташқи муносабатларига оид маълумотларни ўрганиш асносида хулоса сифатида айтиш лозимки, элчилик муносабатлари деярли мунтазам равишда амалга оширилган. Ташқи сиёсат Хива то мустақил давлат сифатида мавжуд бўлгунга қадар бир маромда давом этган. Дипломатик муносабатларда катта роль ўйновчи элчиларни тайинлаш, бошқа давлат элчиларини кутиб олиш, улар таъминотини ташкил этиш ҳамда хавфсизлигини таъминлаш масалалари юқори савияда ташкил этилганлигини кўриш мумкин. Мазкур маълумотлар ўзбек давлатчилиги сўнги босқичларда ҳам ўз мукаммал пойдеворига эга бўлганлигини яна бир бор исботлайди.

[1] История дипломатии. Издание второе, переработанное и дополненное. Том I. - М., 1959. С. 617-618, 814-823.

[2] Военныя действія на Оксусе и паданіе Хивы. Сочиненіе Макъ-Гахана. - М. 1875. 291-294 с.

[1] *Гордиенко А.А.* Создание советской национальной государственности в Средней Азии. - М. 1959. С. 14.

[2] Ўша жойда, 241-245-бетлар.

[3] *Абу Тоҳирхожа ва бошқ.* Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. – Т., Камалак. 1991. 243-бет.

МУАЛЛИФЛАР ДИҚҚАТИГА

«Халқаро муносабатлар» журналида чоп этиш учун таҳририятга тақдим этиладиган мақолалар қўлёзмаси, қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

1. Мақола мавзуси журналнинг асосий йўналишига,яъни халқаро муносабатлар мавзусига ҳамоҳанг бўлиши;:
2. Бевосита ёки билвосита Ўзбекистонга алоқадорлиги;
3. Мақола мавзусининг илмий ишланганлик даражаси (мавзуга оид адабиётлар шарҳи билан бирга);
4. Мақоланинг фанга янгилик киритилиши асосланиши;
5. Мақола мавзусини бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш,мақолада кўтарилган муаммо юзасидан турли нуқтаи назар ва ёндашувлар мавжудлигини ҳамда уларнинг ечимларини кўрсатиб бериш ;
6. Илмий- амалий хулосалар ва таклифлар;якунлар;мақолани тайёрлашда фойдаланилган манбаларни келтириш;
7. Соҳа олимлари ёки мутахассисларининг мақолани журналда чоп этиш мумкинлиги тўғрисидаги тақризи,мақола муаллифи ишлайдиган ёки илмий изланувчи сифатида фаолият кўрсатадиган олий ўқув юрти кафедраси ёки илмий тадқиқот институтининг бўлими(гуруҳ)нинг йиғин баёнидан кўчирма;
8. Мақола қўлёзмаси ўзбек,рус ёки инглиз тилида тақдим этилиши мумкин;
9. Мақола ҳажми ёзув машинкаси ёки компьютерда терилган 8 бетдан 15 бетгача бўлиши лозим;
10. Мақола «WORD» матн муҳаррири ёрдамида тайёрланган электрон версия билан бирга топширилади.Матн 1,5компьютер интервалида 14 кегелда (ҳаволалар – 10 кегелда) А4 ўлчамли стандарт оқ қоғознинг бир томонига терилган бўлиши керак;
11. Қўлёзма муаллиф томонидан ўзининг фамилияси,исми, отасининг исми, иш жойи, лавозими,илмий даражаси ва унвони,телефон рақами ва электрон манзили кўрсатилган ҳолда имзоланади;

Ўринсиз такрорлар (тавтология), грамматик ва имло хатоларига йўл қўйилган, шунингдек,мантиқий изчиллик бузилган қўлёзмалар қайта ишлаш учун муаллифларга қайтарилади.

Таҳририят

К СВЕДЕНИЮ АВТОРОВ

Рукописи научных статей, представляемые в редакцию журнала «Международные отношения» для публикации, должны соответствовать следующим требованиям:

1. Соответствие темы статьи профилю журнала.
2. Прямое или косвенное отношение к Узбекистану.
3. Степень изученности вопроса (обзор литературы по теме).
4. Новизна темы предложенной статьи.
5. Изложение проблемы (анализ современного состояния, аргументы за и против, пути решения).
6. Научно-практические выводы и предложения; заключение; источники, использованные при подготовке статьи.
7. Наличие отзыва ученого или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, выписка из протокола заседания кафедры вуза или отделения НИИ, группы, где автор работает или является соискателем.
8. Рукопись может быть представлена на узбекском, русском или английском языках.
9. Объем статьи – от 8 до 15 распечатанных страниц.
10. Статья представляется вместе с ее электронной версией, подготовленной с помощью текстового редактора WORD, текст должен быть набран через 1,5 компьютерных интервала 14 кеглем (сноски – 10 кеглем) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4.
11. Рукопись подписывается автором с указанием фамилии, имени и отчества, места работы и должности, ученой степени и звания, номера телефона и электронного адреса.

Рукописи, содержащие повторы, орфографические и грамматические ошибки, не имеющие логической последовательности, возвращаются на доработку авторам.

Редколлегия